O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 55 – 57 (3285–3287) 1999 йил 14 май, жума Баҳоси эркин нархда

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг* *ФАРМОЙИШИ*

Ватанимиз озодлиги ва истиқлоли учун курашларда жон фидо этган, миллатни ҳуррият ва эркинликка чорлаган, шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз, ўсиб келаётган ёш авлод онгида мустақиллик қадриятларига, инсон ҳақ-ҳуқуқларига юксак ҳурмат-эҳтиром туйғуларини камол топтириш, уларни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, демократик тамойиллар руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва таъзйиқларга маҳкум этилган ватандошларимизнинг исми шарифини аниқлаш, таржимаи ҳоли, фаолиятини ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун жамоатчилик комиссияси тузилсин, унинг таркиби тасдиқлансин.

Комиссия ўз фаолиятини кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ташкил этсин.

2. Миллий хавфсизлик хизмати, Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фанлар академияси, Президент девони архиви ва Бош архив бошқармаси комиссияни барча зарур архив материаллари билан таъминласин.

3. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, ЎзА ва бошқа оммавий ахборот воситаларига комиссия фаолиятини ҳамда шу масала билан боғлиқ мавзуларни мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

4. Комиссия бир ой муддатда ушбу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 май.

# ҚАТОРИМИЗДА ХАТО БЎЛМАСИН







Ўтганлар ёди муқаддасдир. Ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз, қайси лавозимда ишламайлик, самимий бир эътиборга муҳтожмиз, айниқса, ночор аҳволга тушганимизда. Ўзбекистон Республикаси ИИВда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда ана шулар ҳақида сўз борди. Ички ишлар вазири ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов тадбирни очар экан, йиғилганлардан ҳаётдан бевақт кўз юмган барча Ватан ҳимоячиларини, осойишталик посбонларини хотирлаб, бир дақиқа сукут сақлашини сўради. Шундан сўнг вазир Президентимиз Фармони билан шу йилдан эътиборан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинишининг тарбиявий аҳамияти ҳақида тўхталди. Дарҳақиқат, жойларда барпо этилаётган Хотира майдонлари, хиёбонлари биз учун, келгуси авлод учун муқаддас масканлардан бўлиб қолади.

Шундан сўнг хизмат вазифасини бажариш чоғида мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган бир гуруҳ ички ишлар ходимларига, улар билан елкама-елка туриб, эл-юрт осойишталиги йўлида куч-ғайратини, билимини аямаётган хизматчиларга ҳукуматимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Ҳалок бўлганларнинг мукофотлари уларнинг оила аъзоларига топширилди. Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Т. Жамолов камтарин хизматларини юксак қадрлаган давлатимиз раҳбарларига миннатдорчилик изҳор этди ҳамда барча осойишталик посбонлари эл-юрт тинчлиги учун бундан буён ҳам бор куч-ғайратини, керак бўлса ҳаётини аямайдилар, деди.

Тадбирда ички ишлар ходимлари учун тинч даврнинг ўзи бўлмаслиги, бу йил, айниқса, масъулиятли бўлганлиги айтилди, барча сезгирликка, ҳушёрликка чақирилди. Оламдан бевақт кўз юмган ходимларнинг оилаларидан, хизмат чоғи касалликга чалинган, ногирон бўлганларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиш, айниқса, халқимиз учун муқаддас саналган кунларда улардан кўнгил сўраш барчанинг инсоний бурчи эканлиги таъкидланди. Ички ишлар вазири тадбирни якунлар экан, доимо ўз оёғи билан хизматга кетган ходим ўз оёғи билан оиласи бағрига қайтишини, ўтганларни Оллоҳ раҳматига олишини тилади.

**Ўз мухбиримиз.**

## Бош муҳаррир минбари

# ЙИЛДАН ЙИЛГА

Президентимизнинг Фармонига кўра мамлакатимизда илк бор Хотира ва Қадрлаш куни нишонланди.

Юртбошимиз ушбу қутлуғ байрам муносабати билан ўтказилган тантанада сўзлаган нутқида биз хотира деганда ажлодларимизга бўлган муносабат, улар бошлаган хайрли ишларни давом эттиришни назарда тутамиз, деб таъкидладилар. Бундай жиҳатлар халқимиз томонидан азалдан эъзозлаб келинаяпти.

Инсоният тараққиёти тарихидан шу нарса маълумки, ўз ўтмишини унутган, ажлодларини эслай олмайдиган миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Бу — исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Байрам куни бошидан кўп қийинчиликлар ва синовларни кечирган, Ватан дея жонини ҳам аямаган, осмонимизнинг мусаффо бўлиши учун курашган, ҳозирда орамизда яшаётган кекса авлод вакиллари муносиб қадрланди. Қутлуғ сана муносабати билан минглаб уруш ва меҳнат фахрийларига қимматбаҳо совғалар берилди.

Муҳими шундаки, уруш даҳшатларини бошидан кечирган, қақшатқич жангларда қатнашиб ғалаба қозонган, мустақиллик кунларимизга етиб келган фахрийлар билан бўлаётган учрашувлар маънавиятимизни бойитади, Ватан келажагини яратишимизда беқиёс куч-қувват бахш этади.

Эзгулик йўлида ҳалок бўлганлар хотирамизда абадий барҳаётдирлар! Ҳозирда орамизда яшаётган фахрийларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан таъзим қиламиз!

Хотира ва Қадрлаш куни байрам қилингандан сўнг "Постда" ва "На посту" газеталари жамоаси ҳам газеталарнинг туғилган кунини камтарона нишонлади.

Кўзланган мақсадга қай даражада эришаётганимизга ўзимиз баҳо бермаганимиз маъқул, албатта. Камтарона хизматимизга доимий муштарийларимиз — бугунги кунда бор куч-қуввати, керак бўлса, ҳаётини аямай, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ички ишлар идоралари ходимлари, азиз газетхонларимиз баҳо беришса, адолатдан бўлади.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, «Постда», «На посту» газеталарининг унча катта бўлмаган жамоаси газеталар саҳифаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг фаолиятини атрофлича ёритиш учун бор имкониятларни ишга солаяпти.

Агар қайсидир жиҳатдан бунга эришаётган бўлсак, муштарийлардан бирортаси таҳририятга сим қоқиб, қайсидир долзарб мақола учун миннатдорчилик билдирса, буни меҳнатимиз эвазига берилган баҳо деб қабул қиламиз ва ўз ижодий имкониятларимизни янада ишга солиш, мустақил Ўзбекистон милициясининг машаққатли меҳнатини ёрқ[illegible]роқ акс эттиришга ҳаракат қиламиз.

Бизга мавзулар топиш, материаллар тайёрлашда яқиндан ёрдам бераётган муштарийларимизга миннатдорчилик билдиришни ўз бурчим, деб биламан. Бу ҳамкорлик яқинлашаётган янги асрда ҳам давом этишига шак-шубҳа йўқ.

Ҳуқуқ-тартибот посбонлари бажараётган ишлар нақадар қийин эканлигини яхши тушунамиз. Февраль фожиалари рўй бергандан сўнг масъулият янада ошди. Айнан посбонларимиз эзгулик ва ёвузлик ўртасида ҳушёр туриб, фуқаролар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашмоқда.

Биз янгича шароитда яшаш ва ишлашни ўрганаяпмиз. Халқимизнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишга баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшаяпмиз. Биргаликда олиб бораётган ишимиз нечоғли яхши самара берса, юртимиздаги ҳар бир фуқарога миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар етарли шароит яратиб берадиган, эркин, ҳуқуқий, демократик давлат шунча тез барпо этилади. Зеро, барчамиз мустақил Ўзбекистон фарзандларидирмиз.

*Билмаганни сўраб ўрганган олим* 11

12 КРОССВОРД
MUNAJJIMLAR BASHORATI

ОЙНАИ ЖАҲОН дастурлари тўлалигича — фақат бизнинг газетамизда!

Кураш бўйича I Жаҳон чемпионати ғолиби Акобир ҚУРБОНОВ



10

*Бозор муносабатлари сари*

# ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИБ

**Бозор муносабатларига ўтилиши ҳар бир соҳа фаолиятига ўзига хос янгиликлар киритилишини, ислоҳотлар бўлишини тақозо этмоқда. Жазони ижро этиш Бош бошқармаси тизимидаги муассасаларида сақланаётган маҳкумларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, айниқса, улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланишни йўлга қўйиш нафақат ушбу соҳани ривожлантиришда, балки уларнинг ўзларини ҳам иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган еттита ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, улар 6,7 минг гектар суғориладиган ер майдонида деҳқончиликни бошлаб юборган эдилар.**

**Хўш, бу борада қандай самарали натижаларга эришилмоқда?**

**Бу ҳақда бизга Республика ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси бошқарма бошлиғи, ички хизмат полковниги Х. Холиқов қуйидагиларни сўзлаб берди.**

— Ишчи кучидан ва ер имкониятларидан имкон даражасида унумлироқ фойдаланиш мақсадида алмашлаб экиш усулини жорий этдик. Жумладан, 1998 йилнинг кузида 1338 гектар майдонга буғдойнинг «Санзар-8», «Қалдирғоч» ва «Юна» навлари экилган. Асосий майдонларга буғдой уруғи икки томонлама экилди. Ҳар бир гектар ғаллазор азотли ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилди ва ер шароитларига қараб учинчи марта суғориш ишлари олиб борилмоқда. Ўртача ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил етиштириш кутилмоқда.

Маҳкумларни йил давомида сервитамин кўкат ҳамда бошқа сабзовот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ўтган йили кузда 42 гектар кузги пиёз, 4 гектар майдонга саримсоқ пиёз ва 1 гектарлик иссиқхонага ҳар хил кўкатлар ва помидор экилди. Қиш фаслида турли хил кўкатлар ва помидор маҳсулотлари муассасаларга етказиб берилди. Шунингдек, мева етиштириш ҳам йўлга қўйилган. Айни кунларда мавжуд 106 гектар майдондаги боғларга ишлов берилмоқда.

Ҳозирги кунда барча ёрдамчи хўжаликлар кузда экилган буғдойни нес-нобудсиз ўз вақтида йиғиштириб олишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ёрдамчи хўжаликларда жами 10 та ғалла ўрадиган комбайн таъмирланиб тахт қилиб қўйилган. Бу комбайнларнинг 2 таси АҚШнинг «Кейс» комбайни бўлиб, улар ўтган йили сотиб олинган эди.

Ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, кейинги уч йилда қорамолларнинг бош сони 360 тадан 1450 бошга, қўйлар туёқ сони 350 тадан 4555 бошга, чўчқалар 103 бошдан 1155 бошга кўпайтирилди.

Бугунги кунда қўйлардан қўзи олиш режаси бажарилди. Сигирлардан 115 бош бузоқ, чўчқалардан эса 139 бош чўчқа боласи олинди. 253 бош соғин сигирлардан ҳар куни ўртача 2500—2600 литр сут соғиб олиниб, сут заводида қайта ишланиб, турли хил сут маҳсулотларига айлантирилмоқда ҳамда маҳкумларга етказиб берилмоқда.

Вазирлик раҳбариятининг ташаббуси билан Бухоро вилоятидан 19 бош туя сотиб олиниб, муассасанинг ёрдамчи хўжалиги яйловларида боқилмоқда. Туяларни сотиб олишдан мақсад, сил касалига дучор бўлган маҳкумларга туя сути бериб даволашдир. Чунки туя сути сил касали, ошқозон ва ичак касалликларини даволашда ажойиб хусусиятга эга. Ҳозирги кунда биялардан ҳар куни 35—40 литр сут соғиб олиниб, даволаш муассасасидаги бемор маҳкумларга берилмоқда.

Жазони ижро этиш Бош бошқармаси тизимидаги муассасаларга бир йилда 82 тонна томат пастаси етказиб бериш талаб этилади. Бу талабни қондириш мақсадида томат пастаси ишлаб чиқариш учун ёрдамчи хўжаликда бир сменада 5 тонна помидорни қайта ишлаб томат пастаси ишлаб чиқарадиган кичик томат цехи таъмирланиб мавсумга тайёрлаб қўйилди. Ушбу томат цехи мавсумда 100 тонна томат пастаси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ҳа, интилганга толе ёр, дейди доно халқимиз, Буни яхши тушунган ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасига қарашли ушбу ёрдамчи хўжалик аъзолари барча имкониятни ишга солишиб, келгусида мўлкўл ҳосил ва маҳсулот олиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Шухрат РЎЗИЕВ**
**ёзиб олди.**

# СИНЧКОВЛИК ВА ЗИЙРАКЛИК БИЛАН

**(Суратли ахборот)**



**Содир этилган жиноятларни фош қилишда ва жиноятчиларни аниқлашда эксперт-криминалистика ходимларининг алоҳида ўрни бор. Жиззах вилояти ИИБ ЭКБ ходимлари бир қанча оғир жиноятларни фош қилишда фаол иштирок этишди. Воқеа жойини синчковлик билан ўрганиш, далилий ашёларни пухта текшириб кўриш улардан ўта зийракликни ва синчковликни талаб қилади.**

**СУРАТДА: (чапдан) вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги Т. Аҳмедов ва катта эксперт милиция катта лейтенанти А. Қаршибоевлар бармоқ изларини кўздан кечиришмоқда.**

**Б. БЕГИМҚУЛОВ.**

## ДОИМИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНМОҚДА

УРГАНЧ шоҳбекатининг Нақлиёт ИИБ ДЁСН ҳудудида 64 та масканлар бўлиб, уларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қандай риоя қилишаётгани доимий назорат қилинмоқда. Йил бошидан буён масканларда ёнғин содир бўлишининг олдини олиш борасида қатор амалий ишлар қилинди. Ҳозиргача мавжуд масканлардан 41 тасида текшириш ўтказилиб, 315 та ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиш ҳоллари аниқланди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаётган 8 нафар мансабдор шахсга ҳамда 9 нафар фуқароларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилиб, жарималар солинди. Ўн учта масканнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатиб қўйилди.

Ёнғиннинг олдини олиш бўйича ўтказилаётган суҳбатлар, учрашувлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, 17 та йўловчи ва юк ташувчи поездларда ўтказилган учрашувларимиз ниҳоятда қизиқарли ўтди. Шуни алоҳида қувонч билан қайд қилишим лозимки, кейинги икки йил мобайнида ҳудудимиздаги масканларда ёнғин содир бўлмади. Ушбу йилнинг биринчи тўрт ойи ҳам ижобий якунланди. Зиммамизга катта масъулият юклатилган. У ҳам бўлса, жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашдир. Бу масъулиятли вазифага сидқидилдан ёндошиб, доимий назоратни янада кучайтирамиз.

**Эркабой РАҲИМОВ,**
**Урганч шоҳбекати**
**ТИИБ ДЁСН катта**
**инспектори,**
**милиция капитани.**

## «01» ХАБАР ҚИЛАДИ

● Пскент тумани Бўстон қишлоғи Ибн Сино кўчасида жойлашган Б. Юсуповлар хонадонида электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлган. Ўт ўчириш хизмати ходимлари ёнғин жойига етиб келгунларига қадар қўшни хонадон соҳиби З. Эргашев томонидан ёнғин ичида қолган, димиқиб ҳушини йўқотаёзган 8 ёшли Нодир, 5 ёшли Даврон ва 3 ёшли Шоҳисталар қутқариб қолинган. Ёнғин эса аҳолининг энди ёстиққа бош қўйганларида, яъни 23 дан 12 дақиқа ўтганида «уйғонган» эди...

● А. Икромов тумани Чилонзор даҳаси 24-мавзесида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлигининг кимёвий корхонасига қарашли ижарадаги КАВЗ русумли автобусини таъмирлаш пайтида ёнғин содир бўлган ва бу ёнғин натижасида автобуснинг 2 та ўриндиғи, салони ички қопламаси ёниб кетган. Ёнғинни ўчириш чоғида автобус ҳайдовчиси Қ. Алимов қисман, таъмирловчи М. Эшмирзаев эса устидаги кийимлари ёнган ҳолда куйиш тан жароҳати олиб, 1-шаҳар клиник шифохонасига ётқизилган.

● Мирзаобод тумани «Оқ олтин» жамоа хўжалигида яшовчи 11 яшар Дилноза газ плитасидан фойдаланаётганида устидаги кўйлагига аланга ўтиб кетган. Ёрдамга етиб келгунларига қадар бутун танаси 2—3-даражали куйиш тан жароҳати олган қизчани тезда шифохонага ётқизишга тўғри келган.

● Ҳамза тумани Лисунов 4-даҳаси 53-уй 40 хонадонида истиқомат қилувчи И. Постиков уйда маст ҳолда сигарета чекиб ухлаб қолган. Натижада сигарета полга тушиб кетиб гилам ёна бошлаган. Постников эса уйғонмади, Ўт ўчириш хизмати ходимларининг тезкор ва аниқ ҳаракатлар билан уни «мангу уйқу»дан сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Тутундан заҳарланган, димиқиб ҳушини йўқотган И. Постников оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.

● Ҳамза тумани Фигельская кўчасидаги эгасиз ётган 11-уйининг ҳужрахонасида ёнғин содир бўлиб 20 кв. м майдон ёниб кетган. Ёнғинни ўчириш чоғида 55—65 ёшлар атрофидаги эркак ва аёлнинг жасади топилган. Мазкур ёнғиннинг содир бўлишига тахминий сабаблар бу шахсларнинг маст ҳолда сигарета чекишларидан дейилмоқда.

● Жарқўрғон тумани Қўштепа қишлоғида яшовчи Шарофат опа ўчоққа олов ёқиш пайтида солярка ёқилғисидан фойдаланган. Сепилган солярканинг кучли алангаланишидан юзага келган олов дами Шарофат опанинг 1—2-даражали куйиш тан жароҳати олиб оғир аҳволда касалхонага ётқизилишига сабаб бўлган.

● Андижон тумани, Бешбўйноқ маҳалласи 57-уйда яшовчи О. Ҳасанованинг хонадонида печ мўрисининг носозлигидан ёнғин чиққан. Ёнғин натижасида уйнинг томи ёниб, қўшни О. Фозиловлар хонадонига ўтиб кетган ва бу ерда ҳам яшаш уйининг томи ёниб, катта миқдорда моддий зарар келтирган.

**Рамзиддин АСЛОНОВ,**
**ички хизмат лейтенанти.**

# ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Вилоятимиз автомобиль йўлларида транспорт қатнови тобора ортиб бормоқда. Бу эса йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқарада.

1999 йилнинг ўтган уч ойи мобайнида олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишларига қарамасдан вилоят автомобиль йўлларида 45 та йўл-трансопрт ҳодисаси содир бўлди. Оқибатда 10 киши бевақт ҳаётдан куз юмди, 47 нафар киши турли даражада тан жароҳатлари олиб, шифохоналарга ётқизилди.

Таҳлилларга қараганда, бу даврда рўй берган йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 тага, тан жароҳати олганлар сони 9 тага кўпайган.

Яқинда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги йўлларда ҳаракатланиш комиссиясининг йиғилишида ана шу масала кўриб чиқилди. Унда йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинди ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари белгиланди. Мазкур комиссия қарорига кўра вилоят ҳудудида шу йил 20 апрелидан 30 апрелига қадар «Ҳаракатланиш хавфсизлиги ўн кунлиги» деб эълон қилинди.

Бунда тадбирнинг мақсад ва моҳиятини юртдошларимизга етказиш, улар ўртасида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини тарғибот қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида, маҳалла ва автокорхоналарда суҳбат ва йиғилишлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланилган ҳолда тадбирнинг нечоғлик муҳим эканлиги аҳолига тушунтирилди. Бу борада айниқса, вилоят телевидениеси ва радиоси орқали чиқишлар ҳамда ҳаракатланиш хавфсизлиги автомашиналари ёрдамида олиб борилаётган тарғибот ва тушунтириш ишлари сезиларли самара бермоқда.

Бундан ташқари, йўлларда ҳаракатни тартибга солиш, қоидабузарлик ҳолатларини аниқлаш бўйича ҳам қатъийлик кўрсатилди. Жумладан, тадбирнинг биринчи кунидан то ҳозирги кунга қадар йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан 4425 та қоидабузарлик ҳолатлари аниқланиб, қоидабузарларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилган. Аниқланган қоидабузарликларнинг 2948 таси хавфли қоидабузарликлар сирасига киради. Йўл ҳаракати қоидасини бузган 443 пиёда аниқланган. Тадбир давомида шунингдек 92 ҳайдовчи транспорт воситаларини маст ҳолда, ҳамда 232 ҳайдовчи ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқарганлиги аниқланди.

Ҳаракатланиш хавфсизлиги ўн кунлигида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Айни вақтда болалар ўртасида йўл қоидаларини тарғиб қилиш, уларнинг бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш мақсадида мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида «Яшил чироқ», «Йўл белгилари мамлакатига саёҳат», «Сиз йўл қоидаларини биласизми» каби мавзуларда қизиқарли тадбирлар бевосита ДАН ходимларининг иштирокида ва уларнинг амалий ёрдамлари билан таъсирчан руҳда ўтказилди.

Мақсадимиз юртдошларимизни йўл-транспорт ҳодисаларидан асраш, уларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўлиб, бу борада бундан буён ҳам кенг кўламда иш олиб бораверамиз.

**Н. РАҲИМОВА,**
**Навоий вилояти ИИБ**
**ДАНБ Тарғибот ва**
**ташвиқот гуруҳи**
**нозири, милиция**
**лейтенанти.**

# ҚИДИРИЛМОҚДА



Сурхандарё вилоят ички ишлар бошқармаси ЖҚБ ҳамда КРТККБ томонидан Шеробод тумани Ҳ. Олимжонов кўчаси 13-уйда яшаб келган, 1970 йилда туғилган **Аллабердиев Баҳром Абдушукурович** қидирилмоқда. Баҳром Аллабердиев илгари шу туманнинг марказида жойлашган «Мафтун» хусусий фирмасида директор бўлиб ишлаган ва давлат банкларидан, ҳамда кўпчилик фуқаролардан алдаш, фирибгарлик йўли билан катта миқдордаги пулларини олиб кетган.

**Асосий белгилари:** бўйи 175 — 180 см, қошлари ёйсимон, кўзлари қора, юзи думалоқ, оғзи ўртача, гавдаси семиз, эгнида мавсумий кийим бўлиши мумкин.

**Баҳром Аллабердиевни яшириниб яшаб юрган жойидан хабардор бўлганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Наманган шаҳар ИИБ ЖҚБ томонидан Наманган шаҳар К. Мамарасулов кўча 27-уйда яшаган, 1958 туғилган **Меҳмонов Одилжон Турғунбоевич** қидирилмоқда. У 1996 йил 10 май уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмай бедарак йўқолган.



**Белгилари:** бўйи 170 — 175 см, оқ сариқдан келган, озғин, кўзлари кўк, қоши, сочи сарғиш, юзи чўзинчоқ, тепа жағининг ўнг томонида бир дона тилла тиши бор, ўнг оёғи болдирида 5 см атрофида чандиғи бор.

**Кийимлари:** бошяланг, эгнида оқ рангли енги калта кўйлакда, кўк рангли «Адидас» деб ёзилган ёзуви бор трико, оёғида чарм шиппак бўлган.

**О. Меҳмоновни кўрган ёки қаердалигини билган фуқаролардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

# ВАТАН ҲИССИНИ АНГЛАМОҚ КЕРАК

Юртбошимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида жамиятимиз ривожига тўғаноқ бўлувчи салбий таъсирлар ҳақида айтиб ўтганлар. Ана шундай хавфлардан бири — «жиноятчи унсурларнинг янги хўжалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфёна иштирок этиши» жамиятда ахлоқсизлик вазиятини туғдиради. Бу эса мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номақбул жиноий бозор иқтисодиётининг алоҳида тури шаклланишига олиб келади.

Жамиятда жиноий «хуфёна иқтисодиёт»нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва даражаларидаги вакиллар ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлади ёки тўғридан тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан тўғри таҳдиддир.

Юртбошимиз айтганларидек, халқ ҳар бир нарсага тўғри баҳо беради. Қуша-қуша машиналар, данғиллама иморатларнинг нима эвазига келаётганлигини эл албатта билади.

Ўзи яхшигина лавозимда ишлаб порахўрлик қилиб юрган баъзибир кимсалар қилмиши учун бугун жавоб беришмоқда. Эгниларида фалон доллар турадиган либосли бу кишилар катта йиғинларда баланд минбарларга чиқиб ҳалоллик, эзгулик ва виждон тўғрисида соатлаб халққа ваъз айтишарди. Асл қиёфалари эса бугун ошкор бўлди. Биз бу билан барча мансабдорларимизнинг юзига қора чапламоқчи эмасмиз. Борган жойида ўн-ўн бешта киши қўл қовуштириб кутиб оладиган раҳбар халқнинг том маънода ишончини оқлаши лозим деб ўйлайман. Раҳбарлар ҳар миллатнинг том маънодаги юзи бўлиб қолиши керак. Бироқ баъзибир мансабдор шахсларнинг қилган ишлари жиноятдан бошқа ҳеч нарса эмас. Тошкент шаҳар ИИББ Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бюджет, банк, валюта соҳасидаги жиноятчилик ва бошқарув идораларида коррупцияга қарши кураш бўлими ходимлари томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар бир неча ана шундай жиноятлар содир этилганлиги қайд этилди.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда ишбилармон, тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда. Бугун ўзбекнинг молини жаҳон бозорларида учратиш оддий ҳолга айланди. Бироқ тадбиркор, ишбилармон ниқобида улуснинг мулкини талон-тарож қилаётган баъзи бировларни ким деб аташни ҳам билмаймиз. «Базис-Т» деб номланувчи ташкилот директори жаноб И. И. Республика тадбиркорларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан уч йиллик муддатга катта суммада кредит олади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун берилган бу пулларни у ўз шахсий мақсадида ишлатади.

Ходимлар томонидан «Бахус» масъулияти чекланган жамият текширилганида директор жаноблари А. И. «Истиқлол тонги» масъулияти чекланган жамияти, «Олмос», «Тозадил», Қорхонов номли, «Аскаров» ва бошқа хусусий фирмалар билан мол етказиб бериш борасида ўзаро шартнома тузгани аниқланди. Бироқ у «Бахус» ҳисоб рақамига тушган пулларни нақд қилиб оладию, шартномани бажармайди.

Ўзбекистон деганда бугун кўпчилик унинг иқтисодий, сиёсий ютуқларидан ҳайратга тушади. Биз эса бундан фахрланамиз. Ватан ҳиссини туямиз. Жиноятчи, порахўрларда эса бундан ҳис йўқ.

**М. АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ходими.**

# ОТА-ОНА ЭСА БЕПАРВО

*(СУРАТЛИ АХБОРОТ)*

Болалар — келажагимиз. Бугунги кунда уларнинг яхши ўқиши, ҳар томонлама камол топиши эртанги кунимизнинг порлоқ бўлишига кафолотдир. Худди шу боис юртбошимиз ҳам, айниқса, ўқувчи-ёшларга алоҳида эътибор билан қараб, уларнинг етук инсонлар бўлиб етишишлари йўлида тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Афсуски, буни айрим ўқувчиларимиз, энг ачинарлиси, ҳатто ота-оналар тушуниб етмаяпдилар.

Яқинда Қирғизистон билан боғлаб турувчи кичик кўприкда турган милиция ходимлари бир неча болаларнинг Қирғизистон томонга қайта-қайта юк билан ўтаётганликларини пайқаб қолдилар.



Улардан бири Қорасув шаҳар, 2-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси, 1986 йилда туғилган Сирожиддин Мирқосимов ушланиб сўроқ қилинганида номаълум бир шахснинг гуручини 7—8 килограммдан қилиб, ҳар бир қатнов эвазига 25 сўмдан ҳақ олиб қўшни давлат томонига ташиб бераётгани аниқланди. Худди шундай фаолият билан шуғулланаётган «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги А. Навоий кўчаси 65-уйда яшовчи, 1986 йилда туғилган Олимжон Бегалиев эса ўқишни умуман ташлаб юборгани маълум бўлди.

Яқинда Қорасув шаҳар ҳокимлигининг Маҳаммаджон Мамасолиев раислигидаги вояга етмаганлар билан шуғулланувчи маъмурий комиссияси мазкур болалар, уларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари иштирокида ушбу нохуш ҳолатни кўриб чиқди. С. Мирқосимов ва унинг ота-онасига нисбатан маъмурий тартибда чоралар кўрилди. Чимёнлик О. Бегалиев ҳамда унинг ота-онасига нисбатан чора кўришлик эса ҳудудий жиҳатдан туман ички ишлар бўлимига ҳавола этилди.

**СУРАТДА: Қорасув шаҳар милиция бўлинмаси ВЕИН катта инспектори, милиция лейтенанти А. Абдужалилов вояга етмаган бола билан суҳбат ўтказмоқда.**

**Б. КЛЕЙМАН,**
**муаллиф олган сурат.**

*Ҳар кимки жафо қилса...*

# ОНА-БОЛА ҚИЛМИШИ

Дам олиш кунларининг бирида Ўзбекистон телевидениеси орқали ҳайвонот оламига доир бир кўрсатув берилди. Унда овчи този ит она бўрсиқ билан олишиб, бўрсиқни енггани, лекин ўлган бўрсиқнинг онасиз қолган, кўзи очилмаган боласини тишлаб, уйга олиб келгани ҳақида ҳикоя қилинди. Итнинг эгаси воқеа жойига борса, яна битта бўрсиқча қолган экан. Уни ҳам олиб келиб, шеригига — ўша урғочи ит ёнига қўйибди. Кўрсатувдан эндигина болалаган този ўз кучукчаси қатори бўрсиқчаларни ҳам ялаб-юлқаб, эмизаётганини, ашаддий душманининг ночор қолган болачаларини ётсирамай ўз бағрига олганининг гувоҳи бўлдик.

...Болалар ўта қизиқувчан бўладилар. Шунинг учун уларга дала-ю дашт, ўру-қир бир қадам. Ҳамма нарсага «бурун тиқиш», ҳамма нарсани ушлаб, ўз кўзи билан кўриш айниқса, ўғил болаларга теккан касаллик. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Чимбой шаҳрини кесиб ўтувчи Кегайли канали бўйида тушлик пайтида ўйнаб юрган болалар диққатини иҳчам қилиб боғланган ва сув бетида оқиб келган, қирғоқда нимагадир илиниб қолган тугун тортди. Улар тугунга яқинроқ боришганда эса унинг ичидан нимаингдир овози келди. «Кучук болани сувга ташлашибди» деб ўйлаган болакайлар қий-чув билан тугунни сувдан тортиб чиқариб, очиб кўришсаки, унинг ичида... увадага ўралган чақалоқ димиқиб, биғиллаб йиғлаб ётарди.

Қўрқиб кетган болалар қий-чув билан ота-оналари ҳузурига югурдилар. Катталар бу ҳақда ички ишлар бўлимига хабар қилишди.

Чимбой туман ИИБ бошлиғи милиция капитани П.Мирзабеков, участка вакили милиция майори Х.Сабуров ва ВЕИН нозири катта лейтенант Ж.Курбонназаровлардан иборат тезкор-қидирув гуруҳи боланинг онасини топиш учун бир кеча-кундуз тиним билмадилар. Олиб борилган суриштирув-қидирув ишлари натижасида эртаси куни бу бағритош инсон топилди...

Инсон боласининг обрўи билан дунёга келиши ва дунёдан инсондек яшаб обрўи билан ўтиши ҳам катта бахт. Чимбойлик К.Санам (исмлар ўзгартирилган) босаётган қадамининг оқибатини билмайдиган даражада гўл ва ёш эмас. У йигирма ёшда, лекин бирор жойда ишламайди. Унинг онаси, нафақадор К.Санагул ҳам оқ-қорани таниган, ўн фарзанд туғиб, ўстирган аёл. Она турмушга чиқмаган қизининг чакки қадам ташлаётганини, унинг кундан-кунга «тўлишиб» бораётганини билмаган, сезмаган десак ким ҳам ишонарди? Фарзандининг ҳатти-ҳаракати, юриш-туриши, феъл-атворини онадан бошқа ким яхшироқ тушунади, сезади ва дил-дилдан идрок қилади? Афсус, Санагул опанинг фарзанди тақдирига бўлган лоқайдлиги уни жиноятга ундади.

28 апрель куни Санам кўзи ёриди. Она оила шаъни учун шармандалик олиб келаётган набирасининг дояси бўлди. Инсон кўзи юмуқ мушук болага ҳам шафқат қилади, лекин бу ни набирасига раҳм қилмади — «сув шимиб, чўкиб кетади» деган хаёлда дунёга келганини «инга»лаб овоза қилаётган гўдакни эски увадаларга ўради-ю, кўприк устидан каналнинг қоқ ўртасига отиб юборди.

...Эртакдаги сандиққа солиниб, дарёга ташланган Тоҳирдек сувда оқиб, ёруғ дунёни, она, унинг иссиқ кўкси нималигини билмаган чақалоқ ўралган увада тугунни сув бемеҳр, шафқатсиз одамлардан бир неча километр нарига авайлаб оқизиб борди ва меҳрибон инсонлар кўз олдига олиб келди.

Шифокорларнинг уч кеча-кундуз қилган саъй-ҳаракатлари бекор кетди — нопок қиз ва шафқатсиз онанинг қилмишларини элга ошкор этган норасида касалхонанинг жонлантириш бўлимида қаттиқ шамоллашдан вафот этди. Гуноҳини яширмоқчи бўлган Санам ва оила шаъни деб қотилликка қўл урган Санагуллар эса қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадилар.

...Она ва қиз оддий бир кучукчалик ҳам бўлмадилар. Този бўрсиқнинг нажотсиз қолган болаларини ўз боласига қўшиб, меҳр билан ялаб-юлқаб, кўксини тутмоқда. Олий мавжудот, яратувчи аталмиш она ва қиз эса ўз жигарбандларини ўз қўллари билан сувга отдилар...

**И.ПИРМАТОВ,**
**милиция подполковниги.**

# Қидирилмоқда

**Қувасой шаҳар ИИБ ЖКБ томонидан жиноят содир этиб тергов идораларидан қочиб юрган қуйидаги шахслар қидирилмоқда.**



**Маҳмаюсупов Набижон Рустамович**, 1978 йилда Қувасой шаҳрида туғилган, 1995 йилдан буён Қувасой шаҳар «Темир йўл» кўча 207 «б»-уй 25 хонада яшаган.
**Белгилари:** бўйи 170 — 175 см, сочлари қора, текис, ўрта гавдали, соқол қўйиб юриши мумкин, ўзига янги фуқаролик ҳужжатларини расмийлаштириб олган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, миллати корейс.

* * *



**Дуванов Григорий Вячеславович**, 1964 йилда Қувасой шаҳрида туғилган, Қувасой шаҳар К. Ерматов кўчаси 4-уй 35-хонада яшаган.
**Белгилари:** бўйи ўртача 170 — 175 см, ўртача гавдали, сочи сарғишдан келган, тўғри таралган, миллати арман, ўзбек, рус, арман тилларида бемалол сўзлаша олади, ҳар хил тадбиркорлик билан шуғулланиб юради. Ўзини исм-шарифини яшириб, бошқа ҳужжат қилиб олган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.



**Сулуғ Оғлии Расим Исматович**, 1974 йилда Қувасой шаҳрида туғилган, 1997 йилдан буён Қувасой шаҳар «Темир йўл» кўчаси 207 «в»-уй 17-хонада яшаган.
**Белгилари:** бўйи 170 — 175 см, турк миллатига мансуб, сочлари қора, текис, озғиндан келган, бурни узун, соқол қўйиб юриши мумкин, ўзига янги фуқаролик ҳужжатлари тайёрлаб олган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.



**Жиянов Талаб Ҳасанович**, 1972 йилда Қувасой шаҳрида туғилган, 1997 йилдан буён Қувасой шаҳар Полмон қишлоғида яшаган.
**Белгилари:** бўйи 170 — 175 см, миллати ўзбек, сочлари қора, текис, ўрта гавдали, бурни катта, соқол қўйиб юриши мумкин, ўзига янги фуқаролик ҳужжатларини расмийлаштириб олган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

**Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигин билганлардан яқин орадаги милиция бўлинмасига хабар беришларини сўраймиз.**

# ВАҲШИЙЛИК

Вячеслав Складчиков учинчи марта қамалиб чиққач, Термиз туманидаги Учқизил қўрғонида тайинли бир ишнинг бошини тутмай санқиб юрди. Енгил-елпи йўллар билан кун кечириб юрганида ахлоқан бузуқ аёл бўлган Елена Фруктовани учратиб, у билан ош-қатиқ бўлиб қолди. Улар аввал темир йўл вокзалида қиттак-қиттак отишди. Кейин кўнгиллари бир сайр қилмоқни тусаб, икковлон 2007-рақамли поездга чиқишди. Ароқхўрликни яна давом эттирдилар. Славикнинг «Лорд» лақабли ити ҳам бирга эди. 2007-рақамли юк поездига шу куни пассажир поездидан кечикиб қолган туркманистонлик йўловчи Масима Панжиева ҳамда унинг ўғли Раҳимжон ҳам чиқишди.

Поезд пишиллаб олға босарди. Ўн тўрт ёшли Раҳимжон Славикнинг «Лорд» лақабли итини эркалата бошлади. Масима Панжиева савдо-сотиқ қилиш мақсадида Туркманистондан Термизга келган эди.

Ўсмир эркалатган сайин «Лорд» эркалана бошлади. Поезд Шеробод темир йўли бекатига яқинлашиб қолди. Шунда Раҳимжон бамайлихотир эркалаб ўтирган «Лорд» вагондан ўзини отиб, жуфтакни ростлади. Бундан шошиб қолган Раҳимжон шериги билан ароқ ичиб ўтирган Вячеславга бу ҳақда хабар беради. Ўсмирдан итининг қочиб кетганини эшитган Вячеславнинг қалбида қаҳр-ғазаб, ёвуз бир ният уйғонади. Холбуки Раҳимжоннинг бор-йўқ айби «Лорд»ни эркалатганида эди.

Ўзлари кетаётган вагонда Вячеслав Складчиков деган қонхўр, баттол бир кимса ҳамроҳ бўлиб бораётганини шўрлик она-бола билмасдилар. Шунинг учун хотиржам уйқуга кетдилар. Кўзлари уйқуга кетган Раҳимжон қорнига, кўкракларига изма-из санчилган пичоқ зарбидан додлаб юборди. Додларкан, ўрнидан қўзғалмоқчи, турмоқчи бўлди. Лекин жароҳат кучли эди, қон тирқираб оқарди. Қонга беланиб ётган жигарбандининг дод-войи, инграништларидан уйқуда ётган бечора она ҳам уйғониб кетди. Ёрдамга шошилди. Боласига қараб ўзини отмоқчи бўлди. Аммо етиб боролмади. Қонга ботиб ётган боласини бағрига босолмади. Қотил бечора онанинг ҳам жонига тажовуз қилди.

Сўнгра қонхўр Вячеслав ёруғ дунёдан ҳали кўз юммаган Раҳимжоннинг оёғидаги «Саламандр» туфлисини ечиб олди ва кийди. Масиманинг тирикчилик учун йиққан 1200 сўм пулини олди. Кейин вужудида ҳали андаккина ҳаёт асари бўлган Раҳимжонни, унинг кетидан онасини вагондан ташқарига улоқтириб юборди. Бу ишларни шу қадар совуққонлик билан, бамайлихотирлик билан амалга оширдики, бу ҳолни кўрган Елена қўрқувдан дағ-дағ титрарди.

Бир фожианинг рўй беришига гувоҳ бўлган безабон поезд эса ҳамон илгарилаб, ҳансираб борарди. Поезд Туркманистон Республикасининг Келиф темир йўл бекатига келиб тўхтагач, икковлон яна ароқ излашга тушдилар. Ароқ топиб яна бўкиб ичдилар.

... Музработ тумани ҳудудида поезддан ташлаб юборилган Раҳимжон ҳали тирик эди. Уни зудлик билан касалхонага келтиришди. Жарроҳларнинг узоқ вақт қилган меҳнатлари туфайли ўсмир омон қолди. Бироқ бир умрга майиб, мажруҳ ҳолда қоладиган бўлди.

Туркманистоннинг Чоршанги туманида яшовчи Маҳмасоат аканинг уйига эса бемаҳалда совуқ хабар келди. Сафардан қайтаётган аёлининг ўлдирилганлиги, ўғлининг эса қаттиқ жароҳатланиб касалхонага тушганлиги тўғрисидаги совуқдан-совуқ гаплар хонадон соҳибини икки дунёсини ҳам қоронғу қилди...

Табиийки, ички ишлар ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли қонхўр Вячеслав Складчиков ва саёқ аёл Елена қўлга олиндилар.

Орада бир рўзғор тўзғиди. Бир умидли аёл дунёдан кетди, бир ўсмир эса тузалмас даражада майиб бўлиб қолди. Бир эмас, уч марта қамоққа тушган, қайта-қайта жиноятлар содир қилган Вячеслав деганимиз кимсасиз ўрмонда ёки бўлмаса одам оёғи етмас чўли-биёбонда яшамагандир ахир. У токи шу сўнгги қотилликни қилгунга қадар Термиз шаҳрида истиқомат қиларди.

У яшаган кўча ҳам табиийки, қайсидир бир маҳалла қўмитасига қарашли бўлган, участка милиция вакилининг назоратида бўлган. Улар уч марта озодликдан маҳрум қилинган, умрининг ўн бир йилини қамоқхоналарда кечирган Вячеслав Складчиковдан нега кўз-қулоқ бўлмадилар?

Одил суд ҳукми ўқилди. Қўллари қонга ботган Вячеслав Складчиков ўлим жазосига маҳкум этилди. Унинг саёқ ва бетайин ҳамроҳи Елена Фруктова ҳам озодликдан маҳрум қилинди.

Бир қарашда бир фожиа тафсилотлари шу билан якун топгандек, барча ишлар жойига тушиб, қотил ва унинг ҳамроҳи тегишли жазосини олганлиги бизни хотиржам қилгандек. Лекин аслида бундай эмас. Бизнинг ҳамиша ва ҳамма ерда огоҳликда юрмоғимиз, хушёр яшамоғимиз кераклиги учун аччиқ ва жуда аччиқ сабоқдир бу аслида.

... Бизнинг лоқайдлигимиз, ўзимиздан, бошқалар билан қизиқмаслигимиз сабабидан бир оила қўрғони нуради. Аслида лоқайдликнинг ўзи кечирилмас жиноятдир.

**Мейлиҳол РАҲИМОВА.**

# БИРЛАШМАДА СЕМИНАР-КЕНГАШ

1999 йил 12 май куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмасида Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент, Андижон, Жиззах вилоятлари ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқарма, бўлимларининг раҳбарлари ва молия хизматлари бошлиқлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги Кўрсатмаси талабларига мувофиқ ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаларида дебитор ва кредитор қарзларни ундириш масаласига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Бирлашма бошлиғи милиция полковниги Ҳ. Убайдуллаев ўзининг нутқида иштирок этаётган раҳбарлар эътиборини кўрсатилган қўриқлаш хизмати учун йиғилиб қолган дебитор қарзларни ўз вақтида тўламаётган қўриқланаётган объектлар маъмуриятига нисбатан қатъий чоралар кўриш, бу борадаги ишлар устидан назоратни кучайтиришга қаратди.

Маърузачи қайд этиб ўтдики, қўриқлаш хизматининг барча тоифадаги ишчиларига маош берилиши, замонавий техника ва сигнализация воситаларини харид қилиш, балансдаги биноларни таъмирдан чиқариш қўриқлаш бўлинмалари ҳисобига пулнинг мунтазам тушиб туришига боғлиқдир.

Сўзга чиққан раҳбарлар ўз фаолиятларига танқидий муносабат билдирдилар ва бу йўналишдаги бор камчиликлар юзага келган муаммоларни очиб ташладилар. Қўриқлаш хизматини бундан кейин ҳам такомиллаштириш борасида аниқ таклифлар киритдилар.

Шу билан бир қаторда хизмат фаолиятига, хусусан, шахсий таркибни тарбиялаш, ўқитиш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг касб маҳоратини ошириш масалаларига ҳам кўриб чиқилди.

Семинар-кенгаш якунларини чиқара туриб, «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлиғи милиция полковниги Ҳ. Убайдуллаев республика ҳукумати қарорлари, ИИВ буйруқларидан келиб чиққан ҳолда хизмат олдида турган аниқ вазифаларни таъкидлаб ўтди.

**Г. КЕРБАЛАЕВ**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» РБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги.**

# ЮГУРИШ ҒОЛИБЛАРИ

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон «Динамо» ФСЖ томонидан уюштирилган узоқ масофага енгил атлетик югуриш мусобақасида беш юздан ортиқ киши иштирок этди. Улар орасида республика Солиқ ва Божхона қўмиталари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Адлия вазирлиги вакиллари ҳам бор эди.

Иштирокчиларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг муовини, ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов, ички ишлар идоралари фахрийси М. Ивановлар қизғин табриклашди. Шундан сўнг мусобақа бошланиб кетди.




Маррага Республика МХХ вакили, спорт устаси А. Алиев биринчи бўлиб 17 дақиқа-ю 37 сонияда етиб келди. Иккинчи ва учинчи натижалар Республика ИИВ Академияси вакиллари Ж. Толибжонов ва Д. Раҳмоновларга насиб этди. Кучли олтиликка Т. Хусенов (МХХ), Б. Қурбонов (республика ИИВ) ва А. Болтаев («Динамо» ФСЖ)лар киритилди.

Аёллар ўртасида эса «Динамо» ФСЖ вакили М. Раҳимова ва Республика ИИВ Академияси жамоаси аъзолари Ю. Блинова ва Ш. Пидаевалар ғолибликни қўлга киритдилар.

Ғолиб ва совриндорларга тантанали вазиятда мукофотлар топширилди. Шу куни бир гуруҳ фахрийларга ҳам қимматбаҳо совғалар берилди.

**Ўз мухбиримиз.**

**СУРАТЛАРДА:** енгил атлетик югуриш бўйича лавҳалар.
**М. САЙЧЕНКО олган суратлар.**



*Спорт*

# ДИНАМОЛИК ПОЛВОНЛАР — ШОҲСУПАДА

Мамлакатимизда ўтказилган кураш бўйича Жаҳон чемпионати ҳақиқий спорт байрамига айланди. Биринчиликда дунёнинг 50 мамлакатидан спортчилар иштирок этишди. Гиламларга ҳамюртларимиздан ташқари Бразилия, АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Россия, Литва, Эстония, Япония, Эрон ва бошқа юртлардан келган полвонлар чиқишди.

Барча учрашувлар қизғин баҳсларга бой бўлди. Чемпионатда қатнашган динамолик спортчилар муносиб ютуқларни қўлга киритишди. Тажрибали курашчи, самбо бўйича Жаҳон кубоги совриндори Акобир Қурбонов барча учрашувларда ғалаба қозонди. Финал беллашувида ҳам рақиби курагини гиламга теккизди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ўқитувчи бўлиб ишлаётган бу иқтидорли полвон оила анъаналарини шараф билан давом эттирмоқда. Шу боис ҳам уни отаси, самбо бўйича бир неча марта Жаҳон чемпиони Собир Қурбонов қизғин қутлади.

Атлантада ўтказилган Олимпиада ўйинларининг дзюдо бўйича кумуш медаль совриндори Армен Багдасаров финалга чиқишга муваффақ бўлди. У жамоадоши, бухоролик рақиби Камол Муродовдан енгилди холос. Учинчи мукофотни Республика ИИВ Академиясининг яна бир вакили Б. Хўжаев қўлга киритди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Жанговар тайёргарлик*

# МЕРГАНЛИК СИНОВИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нишонга отиш тирида вазирлик аппарати ходимларининг жанговар қуролдан отиш бўйича билими текшириб кўрилди.

Дастлаб ходимлар қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш, кўзда тутилган хавфсизликка риоя қилиш топшириқларини бажаришди. Шундан сўнг Макаров тўппончасидан нишонга ўқ отиш бўйича синов ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Б. Буксинбоевнинг таъкидлашича, вазирлик аппарати бўлинмаларининг барча ходимлари берилган топшириқларни муваффақиятли бажариб, пухта назарий ва амалий билимга эга эканликларини кўрсатишди. Одатдагидек ЖКББ, ЭКБ, ХСИ ва ФМБ ходимлари юқори натижаларни қўлга киритишди.

Ташкил этилган синов бўйича энг яхши кўрсаткичларга эришган ходимлар шу йил июнь ойида ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

*Суд залидан*

# «УНИ ЎЛДИРМОҚЧИ ЭМАСДИМ...»

«...Мен ҳақиқатан ҳам ҳар хил жиноятлар билан беш марта судланганман. Охирги қамоқ муддатини 1998 йил 2 февралда афв этиш ҳақидаги Фармонга биноан муддатидан бир йил олдин (1987 йилда 11 йилга ҳукм қилинган) тугатиб чиқдим...»

Суд курсисида ўтирган, кўриниши бинойидек 38 ёшли бу йигитнинг деярли 23 йиллик умри тиконли сим ортида ўтганига ишонасизми? Хом сут эмган банда, ҳамма ҳам хато қилиши мумкин. Лекин хато degани бир марта, икки марта бўлар, бу йигитнинг беш марта «янглишиб», яна олтинчи марта ҳам жиноятга қўл урганини қандай тушунмоқ керак?

...Сергей қамоқдан чиққандан кейин Бекободга, онасининг ёнига қайтди. У ерда атиги бир ҳафта бўлиб, цемент заводида ишловчи укасининг уйига борди, меҳмон бўлди ва ётиб қолди. Меҳмондорчилик, табиий, ичкиликсиз ўтмади. Эртаси куни ака-ука Сергей узоқ йиллардан буён кўришмаган Мирзаобод туманидаги опасини кўриб келиш учун йўлга отландилар.

Одатда узоқ вақт дийдор кўришмаган оға-ини, опа-укалар бир-бирининг фарзандларига ширинлик совға қилишади. Сергей ва Юра эса эрталаб дўконга кириб, бир яшик вино сотиб олишди ва уни канистрга қуйишди. (Сергейнинг айтишича, гўё винони сотиб, дудланган балиқ олмоқчи бўлишганмиш). Кейин шоҳбекатга бориб, то керакли автобус келгунча тамадди қилмоқчи бўлишди: чойхонага кириб, кабоб ва бир шиша арoқ олишди. Қарасаки, арoқ камдек, тепасидан икки пиёладан «сотишга олинган» винодан ҳам ичиб олишди.

Ака-ука тушлик маҳали Гулистонга етиб келиб, яна чойхонада бир шиша арoқ, кетидан вино ичиб, овқатланишди.

Улар амал-тақал қилиб Балиқчилик хўжалигида яшовчи опаларининг уйига етиб олдилар. Узоқ йиллар кўришмаган уканинг ҳурматига дастурхон тузалди ва «сотиб, дудланган балиқ олиниши» лозим бўлган вино ўртага қўйилди.

Кун ботиб, қош қорайди. Меҳмондорчилик ҳам оёқлаб қолди. Сергей «чекиш учун кўчага чиқди ва у ерда бир аёлга дуч келиб қолди, гапга-гап уланиб, «меҳмонга келган эдим, бу ер жуда зерикарли экан», деди у. Аёл шерик тополмай турган эканми, уйида дискотекага ўхшаш бир нарса ташкил қилганини айтиб, уни ҳам таклиф қилди. Сергей боришга рози бўлди...» (С. Калинининнинг суддаги кўргазмасидан).

Ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бўлади, дейдилар.

Ўн йил озодликдан маҳрум бўлиб, қамоқдан чиққанига етти кун бўлган шахс укаси билан бирга Беговот ва Гулистондаги чойхоналарда эрталаб ва пешинда икки марта овқатланиб, икки шиша арoқ ва бир неча пиёла вино ичдилар. Бундан чиқди, чойхоналарда бемалол ичкиликбозлик қилиб ўтираверишь мумкин экан-да? Ғирт маст йўловчиларни қўлида бир канистр виноси билан у шаҳардан бу шаҳарга олиб борган автобусларнинг ҳайдовчилари «жамоат транспортида маст одамлар нима қилиб юрибди?» демайдими? Ва ниҳоят:

«...бизникига Гулистонда яшовчи холаваччам Береговая Гуля меҳмонга келганди. Уйимизда ёши катталар ўтиришганди, шунинг учун биз Н. Каримованинг уйига келдик. Унинг уйида биз билан ҳайдовчи Ғани ва Каримова Алена бирга бўлишди. Кейинроқ Икром ва Санжар келишди... Биз бирга ўтириб, озгинадан арoқ ичдик. Кейин Калинин Сергей ва Юра келишди. Ўзлари билан баклашкада вино олиб келишди. Яна озгинадан ичдик...» (гувоҳ Р. Ермолаеванинг кўргазмасидан).

Уйига келган қариндоши билан «уйда ёши катталар бўлгани учун» холи жой қидириб кетаётганлардан катталар «сенларни бизлардан яширин нима гапинг бор? Нега нариги хонада гаплашиб ўтиравермайсан?» деб бир оғиз сўраши кераккуу?

Н. Каримованинг уйига йигит-қизларнинг йиғилиб олиб «озгина»дан ичкилик ичиб ўтиришини қандай изоҳлаш керак? «Кеч бўлгунча» бировнинг уйида ўтираверган бу йигит-қизларнинг уйида қиладиган иши йўқми? Бу уйдаги бир гала йигит ичида икки-учта қизнинг бемалол «ичиб» ўтиравершига йўл қўйиб қўйган ота-она, маҳалла аҳли сал ҳушёррoқ бўлмоғи зарур эмасми?

«Озгина»дан ичилган ичкилик танларни қиздириб, қонларни жўштирган, оммавий рақс-«дискотека» бошланди.

Ва ниҳоят тарқаладиган вақт бўлди. Йиғилганлар бирин-кетин хонани тарк эта бошладилар. Лекин Икром Раяни кетма, деди, қолишди. Мастликдан оёқда туролмай қолган Сергей чайқалганча келиб, Раяни рақсга таклиф қилди, қиз рад этди. «У рақсга тушмайди», деди Икром ҳам.

«Кейин мен кўзгу олдидаги стулга ўтирдим. Икром фуфайкамнинг тугмаларини қадай бошлади. Шу пайт мен Икромга орқа томондан Калинин Сергей яқинлашаётганини, у икки қўллаб узун пичоқнинг тиғини пастга қилиб ушлаб олганини кўрдим. Сергей Икромнинг орқа томонидан чап кураги атрофига бир марта пичоқ урди. У яна пичоқ урмоқчи бўлганида мен Икромни четга итариб юбордим. Шу пайт Илдар ҳам Сергейга ташланиб, пичоқни олиб қўйди... (Р. Ермолаеванинг суддаги кўрсатмасидан).

Сергей қотилликка қўл урди.

Унинг пичоқ билан бир марта урган зарбаси Икромни жонидан жудо қилди. Ўн йил қамоқда ўтириб, етти кунгина озодлик нашидасидан баҳраманд бўлган бир инсон, ўта хавфли жиноятчи яна йигирма йилга озодликдан маҳрум қилинди...

...Қафасга ўрганган йиртқич ҳайвонни озодликка қўйиб юборилса ҳам яна қафасга қайтаверар экан. Умрининг ярмидан кўпини тиконли сим ортида ўтказган Сергей энди ги жазони ўтаб қайтса бир кам 60 ёшга кирган бўлади. Лекин унинг бу ғалги жиноятга қўл урилишида фақат бир ўзи айбдорми? У тушиб қолган муҳит, шу муҳитни ташкил қилганлар, бунга бефарқ қараган «катта ёшлилар» у, ота-оналар, «оламни сув олиб кетса менга не қайғу» қабилида унча-мунча тартиббузарлик, шовқин-сурон, уриш-жанжалга пинак бузмайдиган қўни-қўшнилар, «катталар» йўқ уйга йиғилиб олиб «озгина»дан ичкиликбозлик қилувчиларга панжа орасидан қаровчи маҳалла қўмитаси, участка вакилининг айби йўқми?

«...Нима учун пичоқ урганимни тушунтириб беролмайман, бунга сабаб йўқ эди, қаттиқ маст эдим... Қилган ишим нотўғрилигини биламан, пушаймонман».

Сергей Икромни ўлдирмоқчи эмас эди. Афсус... лекин уни қайта тирилтириб, кечирим сўраб бўлмайди...

**Омон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Сирдарё вилояти судининг судьяси.**
**Шаҳзода Худойбердиева.**

*ЖҚБ воқеалари*

## ПАРДОЗЛАНГАН ҚЎЙ

Ғиждувонлик Қудратилло Иззатов ҳамтовоқлари Ризоқул Саъдуллаев, Мақсуд Ҳасановлар билан келишиб туманнинг «Оқ олтин» жамоа хўжалиги Каллахўр қишлоғидаги хонадонларнинг биридан бир бош хисори қўй ва бир бош қорамолни ўғирлашади. Муддаолари аниқ бозорга олиб бориб пуллаш ва улушни арралаш. Лекин қўйни бозорга чиқаришса эгаси дарҳол таниб қолиши мумкин. Чунки унинг пешонаси оқ.

— Э, шу ҳам муаммо бўлди-ю, менда соч бўяйдиган бўёқ бор, унга озгина сув қўшиб суртсак бузоқ ҳам, қўй ҳам корасоч бўлади қолади, — деди Қудратило икки қўли чўнтагида, ғоз туриш қилиб.

Таклиф шерикларига маъқул келди, шундай қилишди ҳам. Бу топқирликдан ўзларига бўлган ишонч янада ошди шекилли, милиция ходимлари бунданам зийракроқ бўлиши мумкинлиги хаёлларига келмасди. Пардозланган қўйни эгаси Н. Розиқовга кўрсатишганда у танимади. Шунда ички ишлар ходими таклифи асосида бир челак сув билан ювиб, бузоқ ва қўй ўз асл ҳолига келтирилган эди, Н. Розиқов ҳайратдан хангу манг бўлиб қолди.

Ички ишлар ходимлари К. Иззатовнинг бошқа «нағма»лари ҳам фош этишди. Туманнинг Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжалиги ҳудудидан 6 бош қўй ўғрилигида ҳам унинг «пардозчилик» маҳорати бор экан.

Уч бор судланиб тавбасига таянмаган К. Иззатов, шубҳасиз жазога яна маҳкум этилади.

**Х. БОЛТАЕВ,**
**Бухоро вилоят ИИБ матбуот бюроси катта инспектори, милиция подполковниги.**

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Наманган шаҳар ИИБ томонидан 12.03.99 йил куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган **Комил Маматхонов** қидирилмоқда. У 1978 йилда туғилган, Наманган шаҳар, 5-Чаманзор кўчаси, 2-уйда яшаган.

**Белгилари:** бўйи 165—170 см., буғдой ранг, қош-кўзлари қора, қулоқлари ўртача, ўнг қулоғи ва бурнининг олдида ва пешонасининг ўртасида ҳоли бор, иккала қошида йиқилганда қолган тиртиқ, кўкрагида тирнокдай ҳол бор.

**Кийимлари:** бошяланг, эгнида оқ костюм, кўкрагида тугмаси бор оқ рангли «Rebook» футболка, жинси шим, оёғида қора рангли туфли бўлган.

**К. Маматхоновни кўрган ёки қаердалигини билганлардан милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

# БИЛМАГАННИ СЎРАБ БИЛИНГ

**Болалар оилада хусусий мулк эгаси бўлишлари мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангизлар.**

**З. Олимжонов, шифокор.**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 93-моддасида вояга етмаган болалар қонунда тартибда хусусий мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги айтилган. Булар ҳадя, мерос тариқасида олинган, шунингдек шахсий меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти натижасида орттирилган мол-мулклардир. Бундан ташқари шахсий фойдаланишдаги буюмлар, масалан кийим-кечак, пойабзал, ўқув анжомлари, ишлаб чиқариш қуроллари ҳам шулар сирасига киради.

* * *

**Қовун дарахти, нон дарахти борлигини биламан. Яқинда кулги дарахти ҳақида ҳам эшитиб қолдим...**

**З. Абдиев, талаба.**

Ҳа, шундай дарахт бор. Яқин Шарқ мамлакатларида бир ўсимлик ажойиб хислати учун маҳаллий халқ томонидан «кулги дарахти» деб аталади. Дарахт паст бўйли, меваси ловиядек келади. Уни истеъмол қилган киши қийқириб кула бошлайди. Бу дарахт кишига бир соат чамаси қувонч бахш этади. Омади юришмаган ёки бирор нарсадан ранжиган кишилар учун унинг нафи катта.

* * *

**Пойтахтимиздаги «Чорсу» бозоридан ўн кило картошка сотиб олган эдим. Уйга бориб тортиб кўрсам 8 кило-ю 200 грамм чиқди. Тарозидан уриб қолаётган бундай олғирларга нисбатан қандай жазо қўлланилади?**

**С. Олимов, меҳнат кексаси.**

З. Муҳаммаджонов, ҳуқуқшунос:

— Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар харидорни кам ўлчаш, кам тортиш, ҳақдан уриб қолиш ёки бошқача тарзда алдовга йўл қўйишса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 187-моддасига кўра улар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

* * *

**Яқинда бир дўстим билан баҳслашиб қолдик. У «ресторан» сўзи тананинг тикланиши деган маънони англатади, деди. Мен эса бирорта таом билан боғлиқ бўлса керак, дея фикр билдирдим. Қай биримиз ҳақмиз?**

**З. Одилов, ҳайдовчи.**

Кўпчилигимиз ресторанда мазза қилиб ҳордиқ чиқаришни хоҳлаймиз. Аммо ҳамма ҳам қадимда бу сўз хасталикдан сўнг организмни тиклаш учун берилган шўрвани англатишини билмаса керак. «Ресторан» французча сўз бўлиб «тиклаш» деганидир. Бунга 1765 йил парижлик Буланж ўз ошхонасида гўшт қайнаган шўрвани мўмайгина пуллаб, асос солган.

* * *

**Умр йўлдошим билан унинг номига хусусийлаштирилган уйда яшайман. Мабодо ажрашсак уйнинг маълум қисми менга тегадими?**

**З. Одилов, Ангрен шаҳри.**

Амалдаги қонунчиликка биноан турмуш ўртоғингизга тегишли мулкда маълум улушингиз бўлмаса хонадонга эгалик қилишга ҳаққингиз йўқ. Бироқ шунга қарамай умр йўлдошингиз билан қонуний эр сифатида бирга яшайверишингиз мумкин.

* * *

**Айтишларича нос чекувчилар кўпроқ рак хасталигига чалинар экан. Шу тўғрими?**

**И. Хаитов, Урганч шаҳри, Берюзово кўчаси.**

Д. Тўраназаров, тиббиёт хизмати полковниги:

— Тиббиёт папиросни ҳам, носвойни ҳам инсон саломатлигига зарарли, деб ҳисоблайди. Масалан, носвой таркибидаги моддалар баъзан тил остини яллиғлантиради. Ушбу жараён сурункали давом этиб, охири рак хасталигига олиб келиши мумкин. Аммо бу камдан кам учрайдиган ҳолатдир.

**Саъдулла ШОДИЕВ тайёрлади.**

# ХАНДАЛАР

— Жанна, сен эрингнинг ўзини тутишидан тўғри ёки нотўғри гапираётганини била оласанми?

— Шу ҳам иш бўптими, у гапираяптими, демак алдаётган бўлади.

* * *

— Жаноб бошлиқ, маошимни бироз оширишингизга тўғри келади.

— Нега энди?

— Даромадим камлиги туфайли уйлана олмаяпман.

— Ҳали кўрасан, бунинг учун бир кун менга раҳмат дейсан...

* * *

— Азизим, қўшиқ куйлай бошлашим билан қаёққадир кетиб қоласан. Бу одатинг билан мени ранжитаяпсан.

— Мени тўғри тушунгин, жонгинам, ахир қўшнилар сени ураяпти, деб ўйлашларини истамайман.

* * *

— Жаноб Лейбович, сизнинг қизингизга уйланишга аҳд қилдим.

— Жиддий гапираяпсизми? Бу ҳақда хотиним билан гаплашиб кўрдингизми?

— Ҳа. Аммо менга кўпроқ қизингиз ёқади.

* * *

Икки дўст суҳбатлашмоқда. Бири иккинчисига деди:

— Одатда уйга кеч келганингда хотинингга қандай важ кўрсатасан?

— Мен «хайрли оқшом, азизам!» дейман, холос. Қолган гапларни у гапиради.

* * *

Эр уйга кеч қайтди. Умр йўлдоши деди:

— Қаерда эдингиз?

— Валиникида.

Хотини Валининг уйига сим қоқиб сўради:

— Вали ака, эрим бугун сизникига бордими?

— Бўлмасам-чи, у ҳозир ҳам меникида.

* * *

Олим деди:

— Дада, туғилган кунингизга совға қилмоқчиман.

— Энг яхши совғанг, — деди ота. — Сенинг «аъло» баҳоларга ўқишинг.

— Озгина кечикдингиз, дада, — деди ўғил афсусланиб. — Сизга бўйинбоғ олиб қўйгандим.

* * *

Она шўхлик қилаётган фарзандига деди:

— Дарҳол деразадан туш, бўлмаса йиқилиб тушиб, дўққи бўлиб қоласан.

— Қизиқ, — деди бола ҳозиржавоблик билан. — Демак, туя икки марта йиқилган экан-да...

# КРОССВОРД

**Ёйлар бўйича марказ томон:** 1. Турли соҳаларга оид нарсаларни сақлаб, намойиш этувчи муассаса. 2. Уй ҳайвони. 3. Автомобиль қисми. 4. Икки ғилдиракли транспорт воситаси. 5. Расмий ҳужжатнинг маълум бир бўлими. 6. Ер, жононнинг халқ оғзаки ижодидаги атамаси. 7. Баъзи жониворларнинг кийимга ишлатиладиган териси. 8. Сопол идиш, кўза. 9. Қирғиз халқ эпоси. 10. Сайроқи қуш. 11. Асарга танлаб олинган соҳа. 12. Халқ оғзаки ижоди тури. 13. Сўз ёки иборанинг кўчма маънода қўлланилиши. 14. Шаҳарнинг ҳудудий бўлими. 15. Нефть қолдиғи, қорамой. 16. Мусиқали оҳанг тузилиши. 17. Сабзи нави. 18. Ҳайвон шохининг қадимий атамаси. 19. Ўзбек мумтоз шоири. 20. Шарқ халқларига мансуб йил ҳисоби. 21. Шариат қонунлари асосида ҳукм чиқарувчи фатво берувчи лавозимли уламо. 22. Шарқ табобатида қадимдан қўлланилган модда. 23. Муассасанинг бирор бўлимини бошқарувчи киши. 24. Вал, қувурларни бириктиришда қўлланиладиган мослама. 25. Абдулла Қодирий машҳур асарини ёзишда танлаб олган давр. 26. Тоза пахта. 27. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилоти. 28. Қуруқ мева. 29. Ҳарбий унвон. 30. Гўзал аёл, нозанин. 31. Францияда ишлаб чиқариладиган автомобиль русуми. 32. Жой, маскан. 33. Янги униб чиққан гиёҳ. 34. Сафарнинг сўнгги манзили. 35. Қадимда ёзув ишларини олиб борган киши. 36. Ҳамдўстликдаги республика пойтахти. 37. Финляндияда пул бирлиги. 38. Экинзордаги ариқ қисми. 39. Маълум бир нарсанинг кичрайтириб ишланган нусхаси. 40. Ислом оламида муқаддас ҳисобланган шаҳар. 41. Ёнувчи модда. 42. Алмати шаҳри яқинидаги спорт иншооти. 43. Сув тақсимловчи вазифасини бажарувчи киши. 44. Италия футбол жамоаси. 45. XIX асрда яшаб ўтган ўзбек шоири ва хаттоти. 46. Ҳал этиш учун берилган математик ифода. 47. Жун газлама. 48. Халқ хўжалигида айланиб турган пул маблағлари.



## ЦИКЛОКРОССВОРД

**Белгиланган хонадан соат капгири йўналишида:** 1. Қон томири тури. 2. Болтиқ денгизига қуйилувчи дарё. 3. Галлей кометасини ўрганиш учун учирилган кема. 4. Замоннинг маълум бир бўлаги. 5. Сув йўли. 6. Осиё ғарбидаги давлат. 7. Қўшиқ тури. 8. Узоқ Шарқдаги дарё. 9. Мансаб, лавозим. 10. Сайёра. 11. Тасвирий санъат асари. 12. Африкадаги мамлакат. 13. Ғалла етиштиришда асосий мавсум. 14. Шифобахш ўсимлик. 15. Болтиқ бўйидаги давлат пойтахти. 16. Пойтахти – Аккра. 17. Ҳиндистондаги шаҳар. 18. Мусиқа асбоби. 19. Механизмларнинг барча қисмлари ўрнатиладиган бўлаги. 20. Жун газлама. 21. Ғалла ўсимлиги. 22. Ўрта денгиздаги орол. 23. Қиймали қовурма таом. 24. Санъат тури. 25. Маълум бир ҳис туйғуни ифодаловчи товуш. 26. Ҳўл мева. 27. Ўзбекистондаги денгиз. 28. Ҳарбий қисм. 29. Тўқимачилик ашёси. 30. Мусиқа ёзуви. 31. Ўзбек халқ мақоми. 32. Электрод. 33. Гуллаб-яшнаган маскан. 34. Билимдон киши. 35. Ҳамид Олимжон достони қаҳрамони. 36. Газ модда. 37. Қора денгиз билан туташ денгиз. 38. Шеърий вазн. 39. Ижод маҳсули. 40. Шимолий Қозоғистондаги дарё.

**Фозилжон ОРИПОВ тузди.**

**МУАММОНОМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**"Очқич" сўзлар:** I. Шуҳрат. II. Мардлик. III. Ботир. IV. Қалқон. V. Саодат. VI. Эл. VII. Хотира. VIII. Ҳайкал. IX. Ёднома. X. Гул.

**Муаммономадаги байт:**

***Ҳаётда қолдирса ким абадий ном,***
***Энг бахтли одам шу, хулласи калом.***

## ОМАД ЁР БЎЛСИН

Ҳафтанинг жума кунини орзиқиб кутаман. Эрта билан ишга келганимда стол устида "Постда" газетасининг янги сони турган бўлади. Ишни албатта газета ўқишдан бошлайман. Кечқурун ишдан қайтганимда уйдагилар албатта "Постда"ни олиб келдингизми деб сўрашади. Газетанинг мен учун қадрдон бўлиб қолишига, унинг саҳифаларида берилаётган мақолаларда ҳамкасбларимнинг эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлидаги хизматларини ёритиб, қизиқарли воқеа ва ҳодисаларни бериб борилаётганлигида, деб биламан. Яна бир томони газета орқали республикамизнинг турли туман, шаҳар ички ишлар идоралари фаолияти билан танишиб бораман. Шу ўринда участка вакилларининг жамоатчилик билан олиб бораётган ишлари хусусида кўпроқ ёритилса деган таклифим бор.

Мен газетанинг мухлиси сифатида таҳририят ходимларини севимли "Постда"нинг нашр этила бошлаган куни билан чин дилдан қутлайман. Қаламингиз ўткир, ижодингиз баракали бўлсин.

***Қиличбек НОРМУРОДОВ,***
***Чилонзор туман ИИБ 1-ШМБ ЖООБ бошлиғи, милиция майори.***

## ИЖОДИНГИЗГА БАРАКА

Ҳар гал "Постда" газетасини қўлга олганимда кўз олдимда бутун тарих жонланади. Ички ишлар идораларида хизматни бошлаганимдан бери бу газета ёнимдаги ҳамроҳим бўлган. Бир қатор вилоятлар ички ишлар идораларида ишлар эканман газетада мен раҳбарлик қилаётган хизмат ходимларидан биронтасининг фаолияти, қилган ишлари ёритилса жуда фахрланиб кетардим. Чунки, инсонга маънавий ғурур ҳам зарур. Юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда "Постда" – "На посту" газеталарининг ҳам хизмати бор. Чунки, ёритилаётган ҳар бир мақола милиция ходимларига маънавий мадад бериб туради. Буни мен кўп йиллик фаолиятимда гувоҳи бўлганман.

Кекса фахрий, газетанинг ашаддий мухлиси сифатида, таҳририятнинг барча ходимларига ишда, ижодда катта ютуқлар тилайман.

***Тилла АБДУЛЛАЕВ,***
***истеъфодаги милиция генерал-майори.***

Алоқа воситалари ва электрон техника жиҳозларини созлаш бўйича меҳнат стажига эга бўлган **радиомеханиклар ишга қабул қилинади**.

Мурожаат учун телефонлар: **152-35-31, 139-74-49.**

Навоий вилояти ИИБ ШТБИХ раҳбарияти ва ҳодимлари Хатирчи туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори Алишер Ҳушвақтовга укаси

**Зафар Ҳушвақтовнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар

## MUNAJJIMLAR BASHORATI
### 17 – 23 may

***ҚЎЙ (21 март – 20 апрель)***



Ҳафтанинг биринчи ярмида саломатлигингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келиб, кайфиятингиз бузилади. Чоршанба кундан жумагача ишбилармонлик қобилиятингизни намоён этасиз. Шанба кунги ижодий меҳнат ўз самарасини беради.

***СИГИР (21 апрель – 21 май)***



Душанба куни кўнгилли учрашув кутилмоқда. Сешанба ва пайшанба мўлжалланган ишларни битириш учун қулай кунлардир. Шу давр ичида муҳим савдо битими тузишда иштирок этсангиз, бу фойдадан холи эмас. Ҳафтанинг сўнгги кунлари тиғиз ва асаббузарлик билан ўтади.

***ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь)***



Душанба куни иш жойингизни алмаштиришга киришманг. Бир ой сабр қилсангиз ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади. Пайшанба куни қувончли янгиликлар хабар топасиз. Яқин кишиларингизнинг сизга бўлган муҳаббати келажакка бўлган ишончингизни орттиради.

***ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль)***



Душанба ва жума кунлари иш жойингизда кутилмаган муаммолар юзага келади. Бироқ ҳафта давомида қўшимча даромад ишлаб олиш ва ўз иқтидорингизни намойиш этиш имконияти бор. Омадингизни қўлдан берманг.

***АРСЛОН (24 июль – 23 август)***



Ушбу муваффақиятли ҳафтада фақат сешанба кунги оилавий жанжал кайфиятингизни бузади. Чоршанба куни анча қийин ишни уддалайсиз. Гаройиб учрашув шанба куни кутилмоқда. Якшанба куни эски қадрдонингизни йўқлашни маслаҳат берамиз.

***БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь)***



Душанба куни моддий аҳволингизни яхшилаб олиш имконияти бор. Иш жойингизда чоршанба куни келишмовчилик келиб чиқади. Жума куни ишбилармонлик музокаралари муваффақиятли якунланади. Дам олиш кунлари оила аъзоларингиз билан ҳордиқ чиқарганингиз маъқул.

***ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь)***



Сешанба ва чоршанба кунлари талайгина фойдали маълумотларни қўлга киритасиз. Жума куни молиявий аҳволингизни яхшилашга уриниб кўринг. Олисдаги қариндошингиз шанба куни ўзидан хабар беради. Дам олиш кунлари вақтингизни уй юмушларини бажаришга сарфлашни маслаҳат берамиз.

***ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь)***



Душанба ва чоршанба кунлари ўзингизнинг ҳақлигингизни исботлаш учун кўп асабийлашиб, жисмоний куч сарфлашингизга тўғри келади. Пайшанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Шанба куни севган кишингиз сизни мамнун этади.

***ЁЙ (23 ноябрь – 21 декабрь)***



Мазкур ҳафта меҳнат кўтаринкилиги билан ўтади. Душанба куни муҳим ишбилармонлик учрашуви кутилмоқда. Чоршанба ва пайшанба кунлари молиявий ютуққа эришасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида теварак-атрофингиздагилар сўзамоллигингиз ва одамлар билан муомала қилиш қобилиятингизни қойил қолишади.

***ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь)***



Душанба куни бошлиқлар билан муносабатингиз ёмонлашиши мумкин. Чоршанба – жума кунлари касб маҳоратингизни намойиш этасиз. Шанба куни уй юмушларини бажариб, якшанбада яқин кишиларингиз билан дам олганингиз маъқул.

***ҚОВҒА (21 январь – 19 февраль)***



Душанба – сешанба кунлари ҳар қандай юмушни бемалол уддалайсиз. Мазкур ҳафтада янги танишларингиз таклиф этган ишда иштирок этманг. Дам олиш кунлари ҳар қандай саргузашт ва сафарлар муваффақиятли якунланади.

***БАЛИҚ (20 февраль – 20 март)***



Сешанба куни бироз ишингиз юришмайди. Ўз саломатлигингизни яхшилашга чоршанба куни киришишни маслаҳат берамиз. Пайшанба куни молиявий ютуқ кутилмоқда. Ҳафтанинг охирги кунлари ажойиб инсон билан танишув узоқ вақт ёдингизда қолади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700029,**
**Тошкент,**
**Юнус Ражабий кўчаси,1**

**Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.**

**Бош муҳаррир**
**Зокир АТАЕВ**

*Муҳаррир*
**Эркин САТТОРОВ**
(Бош муҳаррир ўринбосари в.б.)

Навбатчи:
**С. ШАМСИДДИНОВ.**
Мусаҳҳиҳлар:
**М. АКРОМОВА**
**Г. ХОЛИҚОВА**
Дизайнер:
**А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ**
Саҳифаловчи:
**М. НАСРЕТДИНОВА**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Бош муҳаррир — 139-70-40,**
пейжер: ............... **(088) 15-55**
**Бош муҳаррир ўринбосари — .. 139-77-23,**
пейжер: ............... **(088) 24-16**
**мухбирлар бўлими ............ 139-75-69.**
Факс: **................ 54-37-91.**

Газета тарқатиш масалалари бўйича мурожаат учун:
тел.: ...................... 139-70-40,
факс: ...................... 54-37-91,
пейжер: ..... (088) 36-97, 55-19.

**Реклама бўлими:**
**пейжер: (088) 55-54, 55-19.**

**Бизнинг ҳисоб рақамимиз:**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб — касса марказида:**
**21506000200447980001,**
**МФО 00014.**

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № **00007**.
Буюртма Г — **0374**.
Ҳажми — 4 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш вақти — ................. 19.00.
Босишга топширилди — ....... 18.00.

Обуна рақами — **180**

**116 741** нусхада чоп этилди

**«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**
Корхона манзили:
**Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

1, 2, 3, 4, 5, 6.